

**№ ИСТ-2022/ СЗ-3 -сонли
ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ**

29 август 2022 йил

Термиз шаҳри.

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси номидан 2022 йил 24 январдаги №20-рақамли Бош ишончнома асосида иш курувчи Менглиев Юсуф Амиркулович бир томондан ва кейинги ўринларда «Бош пудратчи» деб юритиладиган "SURXON" ХК номидан низом асосида иш курувчи Т. Норбоев иккинчи томондан **Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармогини қуриш ишларини бажаришга** доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Тарифлар

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синов тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар – Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар – сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш – ишларнинг ҳар бир босқичи ва/ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига **Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармогини қуриш ишларини** лойихада кузда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, Ўзбекистон Республикаси ТХАБ нинг UzEx TENDER тизимида ўтказилган № 22110012140696-сонли Лот бўйича танлов савдолари бўйича 2022 йил 26 августдаги №140696-сонли баёномасига асосан объектнинг умумий қурилиш қиймати қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда **295 097 972 (икки юз тўқсон беш миллион тўқсон етти минг тўққиз юз етмиш икки)** сўмни ва 2022 йил сентябр ойида тасдиқланган Манзилли рўйхатга асосан ажратилган лимитга бўйича жорий молиялаштириладиган миқдор **280 340 000 (икки юз саксон миллион уч юз қирқ минг)** сўмни ташкил қилади.

4. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортққа ўзгартирилганда.

5. Қурилиш муддати бир йилдан ортқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Буюртмачи томонидан тасдиқланган жадвалга мувофиқ жорий ойнинг 25-санасидан кечиктирмасдан бажарилган ишларнинг далолатномаларини (бузилиш даолатномаси, объектнинг паспорти, яширин ишлар далолатномаси, фойдаланилган қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ичимлик суви учун фойдаланилган полиэтилен қувурларини зарарсизлантириш бўйича синов ҳисоботи (СЭС дан), ишни ишлаб чиқариш учуе умумий журнал, фотосуратлар ва бошқалар) тақдим этиш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони қўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. Ишларни бажариш муддатлари

10. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада «сўмда» ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан **85** кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига (2-илова) мувофиқ белгаланган муддатларда амалга оширилади.

VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан **349 366 699,80 (уч юз қирқ тўққиз минг уч юз олти миш олти минг олти юз тўқсон тўққиз)** сўм 80 тийин маблағларни 2 ойга 15% дан бўлган ҳолда ўтказиб берилади

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (1 ва 2-иловалар).

16. Пудратчи томонидан иншоотда ойма-ой бажарилган ҚМИларни жорий молиялаштиришга буюртмачи томонидан тасдиқланган ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) асос булади.

- Жорий молиялаштириш бажарилган ҚМИ сифати ЛСХга мувофиқлиги текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой бажарилган ҚМИни 65 фоизи миқдоридан амалга оширилиб, объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизи доираси миқдоридан булади.

- ҚМИларни 95 фоизгача жорий молиялаштириш Республика бюджети, маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ҳисобидан жорий йилда тасдиқланган манзилли дастурда назарда тутилган маблағ миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади ёки молиявий маблағ билан таъминлаш шартномаси (договор рефинансирование) асосида ажратилган маблағ ҳисобидан амалга оширилади.

- «Буюртмачи» шартнома тузилган иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловни; Уз. Рес. ВМнинг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарорининг 2-илова 49-бандига асосан «Маблағ билан таъминловчи орган» «Буюртмачи» томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида ушбу Низомда назарда тутилган тартибда Инвестиция лойиҳасини маблағ билан таъминлаш манзилли дастур асосида амалга оширилгандан сунг, Молия органи томонидан тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган ҳужжатлар сметаси асосида молиялаштиришни вилоят Газначилик бошқармаси орқали амалга оширади. «Маблағ билан таъминловчи орган» томонидан иншоот учун маблағ ажратилмаган тақдирда «Буюртмачи» иншоотда бажарилган ишлар учун «Пудратчи»га тўловларни шартномада белгиланган муддатларда амалга ошириш мажбуриятини олмайди ва иктисодий суди олдида молиялаштирилмаган маблағ учун жавобгар бўлмайди. Ушбу қоидалар манзилли дастур объектларига ҳамда маҳаллий бюджетдан бериладиган объектлар маблағларига ҳам таллуқли.

17. Объект қийматининг 5 (беш) фоизи миқдори тулови шартномадаги ишлар тулик бажарилиб натижаси харажатлар ҳисоб-китоб маълумотномаси (справка счет-фактура о понесенных затрат) шаклида расмийлаштирилиб буюртмачига топширилиб, кафолатли муддат утгач ва фойдаланувчи ва буюртмачи томонидан иншоотнинг ҚМИлари бўйича эътирозлар йуқлиги тугрисидаги уч томонлама далолатнома тулик имзолангандан кейин амалга оширилади.

- Объектнинг 5 фоизлик кафолат маблағи пудратчига тўлангангунга қадар иншоотни фойдаланувчи балансига олганлиги тўғрисида маълумотнома (авизо) тасдиқланган бўлиши лозим.

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи техник назоратчини ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риюя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитектқурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб **15** кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида **12** ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида **60** ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

«Давархитектқурилишназорат» инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. Ишларни кўриклаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган, ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди:

-Ўзбекистон Республикаси Фуқоралик кодексига, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартнома тегишли иловаларида курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг **40** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи бош пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг **0,5** фоизи миқдорида жарима тулайди.

61. Бош пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш бўйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тулайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 40 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун бош пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун қурилиш нормаларига мос равишда бажарилмаганлиги учун бажарилган ишлар қийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси қурилиш нормаларига риоя этилмаган ҳолда бажарилган ишлар қийматининг 20 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган қурилиш-монтаж ишлари лойиха талабларига, белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи «Давархитектқурилишназорат» инспекциясининг ҳулосаси асосида, объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тулашдан бош тортиши, шунингдек бош пудратчидан қурилиш нормаларига риоя қилинмаган ҳолда бажарилмаган яъни зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5,0 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон

тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган жарима билан копланмаган зарарни коплайди.

64. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун жарима тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қолашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Термиз туманлараро иктисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартномага томонлардан бош пудратчи ва буюртмачи томонидан имзо қўйилгандан сўнг ва Ғазналик бўлинмасидан рўйхатдан ўтгандан кейин қонуний ҳисобланади.

73. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

74. Мазкур шартнома 2022 йилнинг 31 декабрига қадар амалда бўлади.

XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

«Буюртмачи»

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Термиз ш. Тараққиёт кўчиси-2 уй

СТИР: 305965322 ОКОНХ

Ш/хр: 301121860224017063201110050

Сурхондарё вилоят Ғазначилик бошқармаси

Ғазна хр 23402000300100001010

МБ ББ ХККМ Тошкент ш, МФО 00014

Ғазначилик бўлим СТИР: 201 122 919

«Пудратчи»

"SURXON "

Хусусий корхонаси

Адресс: Кумқургон тумани Мехробод мах

Х\р : 2020 8000 2040 8226 9001

АТБ «КИШЛОККУРИЛИШБАНК»

Кумқургон фил.

МФО 01037 ИНН: 203 405 911

ОКЭД : 41202

Тел : 91 514 00 14



Бошқик:

Ю. Менглиев



Рахбар:

Т.Норбоев

Хуқуқшунос:

2022 йил

ОБЪЕКТДА ИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УМУМИЙ ҲАДВАЛИ

Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар sanoat ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармогини куриш

БЎНАК БЕРИШ ВА ЖОРИЙ МОЛЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

Ишлаб чиқариш даври: - 2 ой

Объектнинг умумий қурилиш қиймати қўшимча қиймат солиғи билан биргаликда 295 097 972 (икки юз тўқсон беш миллион тўқсон етти минг тўққиз юз етмиш икки) сўмни ташкил қилади.

сўм

147548986

2022 й.

Ишларнинг номи	Ишнинг нархи	2022 й.													
		апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабр					
Объект бўйича жами:	295 097 972						147 548 986	147 548 986							
Жумладан:															
Қурилиш-монтаж ишлари	174 050 684														
Усуналар	121 047 288													121 047 288	

Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий
бошқармаси



Ю.Менглиев

95906840,9

Пудратчи:

“SURXON” XK



Т.Норбосев

ОБЪЕКТИ МОЛИЯЛАШТИРИШ БЎЙИЧА УМУМИЙ ЖАДВАЛИ
 Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар sanoat ва талбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармогини куриш

БЎНАК БЕРИШ ВА ЖОРИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА

Объектнинг умумий қурилиш қиймати кўшимча қиймат билан биргаликда 295 097 972 (икки юз тўқсон беш миллион тўқсон етти минг тўққиз юз етмиш икки) сўмини ва 2022 йил сентябр ойида тасдиқланган Манзилли рўйхатга асосан ажратилган лимитга бўйича жорий молиялаштирилган миқдор 280 340 000 (икки юз саксон миллион уч юз қирқ минг) сўмини ташкил қилади

МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ	Ишларнинг нархи	2022 й.												2023 йил				
		феврал	март	апрел	май	июнь	июль	август	сентябрь	октябрь	ноябрь	декабр	сшм					
30% миқдорда бўнак	88 529 391,60											88 529 391,60						
Амалга оширилган ишларнинг 65% миқдорда жорий молиялаштириш	191 810 608,40											95 906 840,90	95 903 767,50					
Қолган 5% объектнинг кафолат муддати тутаганидан кейин	14 757 972,00																	14 757 972,00
ИТОГО:	295 097 972																	14 757 972,00

Пудратчи:

"SURXON" XK


 Т. Норбоев



Буюртмачи:

“Сув таъминоти ва оқова-сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилояти Худудий бошқармаси


 Ю. Менглишев



«Тасдиқлайман»
 «Сув таъминоти ва оқова сув
 объектлари қурилиши бўйича
 инжиниринг компанияси» УК
 Сурхондарё вилоят ҳудудий
 бошқармаси бошлиғи
 Ю.Менглиев
 2022й



ҚУРИЛИШНИНГ ТИТУЛ РЎЙХАТИ

I бўлим. Асосий қурилиш маълумотлари

1. Қурилиш майдонининг номи ва жойлашуви	Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармоғини қуриш				
2. Соҳа	Коммунал хўжалик				
3. Инвестор	МВ ҳузуридаги «Сув таъминоти ва канализация тизимини ривожлантириш» жамғармаси				
4. Буюртмачи	«Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси» УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси				
5. ЛСХ Ишлаб чиқувчилар:	5.1. ТИА	"Саловат сифат лойиҳа" МЧЖ			
	5.2. ПСД ёки ТД	Мавжуд			
	5.3. Экспертизалар	06.08.2021 йилдаги №55305			
6.1. Бош пудратчи	"SURXON" ХК				
7. Молиялаштириш манбаи	Давлат бюжети				
8. Қурилишни бошлаш ва тугатиш муддати	2022 й.				
Асосий қурилиш кўрсаткичлари:	ПСД бўйича	01.01.2022 й. ҳолатига қолдиқ	01.01.2023 й. ҳолатига қолдиқ		
Қуввати (тегишли бирликда)	0,57 км 1 объект	0,57 км 1 объект			
Асосий фондлар	315,58		14,75		
Капитал қўйилма	315,58		14,75		
Қурилиш-монтаж ишлари	174,05		8,70		
Ускуналар, инвентар	121,05		6,05		
Бошқа ишлар ва хизматлар	10,48		0,00		
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	10,00		0,00		
ИТКҚВ ва МФ билан келишилган манзиллар рўйхатига мувофиқ 2022 йил учун прогноз	Шартнома нархларида (млн сўм)				
Қуввати (тегишли бирликда)	0,57 км 1 объект				
Асосий фондлар	315,58				
Капитал қўйилма	315,58				
Қурилиш-монтаж ишлари	174,05				
Ускуналар, инвентар	121,05				
Бошқа ишлар ва хизматлар	10,48				
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	10,00				
II бўлим 2022 йил учун прогнознинг чораклик тақсмоти. (жорий нархларда миллион сўм)					
	Бир йил учун жами	шу жумладан чораклар бўйича:			
		I	II	III	IV
Қувватларни ишга тушириш	0,57 км 1 объект				
Асосий фондлар	315,58				
Капитал қўйилма	300,83				
Қурилиш-монтаж ишлари	165,35				165,35
Ускуналар, инвентар	115,00				115,00
Бошқа ишлар ва хизматлар	10,48				10,48
Буюртмачи хизматини сақлаш харажатлари	10,00				10,00

Буюртмачи :
 «Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича
 инжиниринг компанияси» УК Сурхондарё вилоят ҳудудий
 бошқармаси

Бош инжениер:
 О.Бобомуродов

Пудратчи:
 "SURXON SUVOQOVA QURILISH" МЧЖ



Т.Норбоев

Информация о юридическом лице (По данным регистрирующих и уполномоченных органов)

Общие сведения

ИНН:	203405911
Регистрирующий орган:	Хокимият района (города)
Дата регистрации :	21.08.1996
Номер регистрации:	318
Наименование юридического лица:	"SURXON" xususiy korxonasi
Код ОПФ:	110 - Частное предприятие
Код ОКЭД:	42210 - Строительство распределительных инженерных объектов
Код СООГУ:	79994 - Субъекты предпринимательства, не вошедшие в структуры органов государственного и хозяйственного управления

Принадлежность к субъектам малого предпринимательства:	Да
Состояние активности:	Действующие предприятия
Уставный фонд:	175 600 000,00 UZS

Информация о руководителе	
Имя руководителя:	O'TKIROV OMON TO'RAMUROD O'G'LI

1. NORBAYEV TURAMURAT O'TKIROVICH	100,00
2.	
3.	
4.	
5.	

Контактные данные	
Адрес электронной почты:	
Контактные телефоны:	915140014
Код СОАТО:	1722214572 - Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, Elbayon shaharchasi
Улица, тупик, дом:	Mehrabod mahallasi, raqamsiz uy

Данные актуальны на 07/09/2022

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 137391 на приобретение Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармоғини қуриш

Способ проведения электронный

Дата 26.08.2022

Время рассмотрения 26.08.2022 15:18

Конкурсная комиссия ГУП Инжиниринговая компания по стр-ву объектов водоснабжения и канализации Министерства жилищно-коммунального обслуживания Республики Узбекистан, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Бошлик	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Секретарь комиссии	AQBAYEV NURIDDIN JUMANAZAROVICH	бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	KLICHEV JAMSHID KAMOLOVICH	юрист	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	QULBOYEV IKROM O‘SAR O‘G‘LI	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	RAIMOV ULUG‘BEK SAPAROVICH	Бош мутахассис	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси
Член комиссии	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Бош инженер	“Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 26.08.2022 года № лота 137391.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Строительно монтажные работы
Подробное описание	Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармоғини қуриш объектига пудратчи танлаш
Количество товара	1.00

Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	301 736 168.00
Стартовая сумма	301 736 168.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 машина ва механизмлари мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган корхона хисобида (ёки лизинг асосида олинган) 3 тадан 5 тагача Курилиш машиналари ва механизмларининг мавжудлиги. (Ижарага олинган бўлса баллар миқдори 50%га камайтирилади) Лойихани амалга ошириш учун зарур буладиган 15 тадан кам бўлмаган кичик механизмларнинг мавжудлиги.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АКBARALI ABDIMUMINOV	15	машина ва механизмлари мавжудлиги	12	Экспертная		
SURXON XK	15	295097972	15	Экспертная		
ЧП JAMMAX	15	Махсус техникалар техникалар ижара шартномасига асосан	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП XUSNIDDIN QURILISH LOYIHA	15	15	7	Экспертная		

Критерий №2 Танлов иштирокчисининг молиявий ҳолати

Тип: Текстовое значение

Описание: Талабгорнинг молиявий ҳолати(шаклга молиявий натижалар тўғрисидаги 3 йиллик хисоботлар илова қилинади) Давлат солиқ идорасидан иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари ҳамда муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаса (солиқтирма далолатнома асл нусхаси (муддати бир ойдан ошмаслиги лозим))

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АКBARALI ABDIMUMINOV	20	Ўхшаш	8	Экспертная		
SURXON XK	20	295097972	12	Экспертная		
ЧП JAMMAX	20	Солиқдан қарзи йўқ тўғрисидаги ҚР кодли маълумот	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП XUSNIDDIN	20	20	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
QURILISH LOYIHA						

Критерий №3 Ўхшаш объектларда охириги 3 (уч) йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумотлар (2-шакл).

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдагига ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига (Буюртмачи бошлангич нархнинг 50%) сўм ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади) Танлов савдодагига ўхшаш профил бўйича охириги йили ўз кучи билан бажариш

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АКБАРАЛИ ABDIMUMINOV	20	(2-шакл).	20	Экспертная		
SURXON XK	20	295097972	20	Экспертная		
ЧП JAMMAX	20	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП XUSNIDDIN QURILISH LOYIHA	20	20	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №4 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошлангич нархнинг 20% гача миқдордаги айланма маблағлар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Хизмат қилувчи банк томонидан тасдиқланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади)

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АКБАРАЛИ ABDIMUMINOV	10	Объектнинг	10	Экспертная		
SURXON XK	10	295097972	10	Экспертная		
ЧП JAMMAX	10	Мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП XUSNIDDIN QURILISH LOYIHA	10	10	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №5 Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга бўлиши мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли қурилиш мутахассислигига эга муҳандис-қурувчилар (участка бошликлари, мастерлар) нинг 2 киши мавжудлиги. (Диплом ва меҳнат дафтарчаларида нусхалар илова қилиниши шарт) Домимий равишда ишловчи 15 тадан кам бўлмаган малакавий ишчилар мавжудлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техник хавфсизлик ходимлари 1 киши мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО АКBARALI ABDIMUMINOV	15	Танлаш иштирокчиси ҳақидаги умумий маълумотлар	10	Экспертная		
SURXON XK	15	295097972	15	Экспертная		
ЧП JAMMAX	15	мавжуд	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
ЧП XUSNIDDIN QURILISH LOYIHA	15	15	12	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО АКBARALI ABDIMUMINOV	301 736 168.00	286 649 359.00 UZS	286 649 359.00	00.00	286 649 359.00	23.08.2022 11:55:07	20.00
SURXON XK	301 736 168.00	295 097 972.00 UZS	295 097 972.00	00.00	295 097 972.00	25.08.2022 11:44:25	19.43

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
ЧП JAMMAX	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ЧП XUSNIDDIN QURILISH LOYIHA	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО АКBARALI ABDIMUMINOV	60	20	80
SURXON XK	72	19.43	91.43

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 137391 от 26.08.2022 года на приобретение Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармоғини куриш определила победителем:

SURXON XK
203405911

и резервный исполнитель: ООО АКBARALI ABDIMUMINOV (306029400)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	MENGLIYEV YUSUP AMIRQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	KLICHEV JAMSHID KAMOLOVICH	Согласен	
Член комиссии	QULBOYEV IKROM O'SAR O'G'LI	Согласен	

Член комиссии	RAIMOV ULUG'BEK SAPAROVICH	Согласен	
Член комиссии	BOBAMUROTOV OMON XAYITOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Сув таъминоти ва оқава сув
объектлари қурилиши бўйича
инжиниринг компанияси УК
Сурхондарё вилоят ҳудудий
бошқармаси бошлиғи,**



Ю.Менглиев
Ю.Менглиев
“ ” 2022 йил

Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси УК
Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси ички танлов комиссиясининг йиғилиш
БАЁНИ № 3

2022 йил 29-август

Термиз ш

Комиссия раиси:

О.Бобомуродов

Аъзолари:

Б.Чориев
У. Раимов
И. Кулбоев
Ж. Кличев

Кун тартибидаги масала:

Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида
ичимлик суви тармоғини қуриш ишларини бажариш учун
пудрат ташкилотларни танлаб олиш мақсадида
ички танлов ўтказиш ҳақида


Эшитилди: Ушбу масала бўйича “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Сурхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ю.А.Менглиев сўз олиб, ўз сўзида Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида ичимлик суви тармоғини қуриш ишларини бажариш учун пудрат ташкилотларни танлаб олиш учун махсус ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун ЛОТ 137391 билан эълон жойлаштирилиб эълон муддати 26.08.2022 йил тугади ва 26.08.2022 йил талабгор “SURXON” ХК си 295 097 972 сум билан ғолиб бўлган электрон протокол шаклланган. Ўзбекистон Республикасининг №684 Қонунига асосан ушбу протокол 2 иш кун муҳокамада турди ва шу даврда ҳеч қанда шикоят келиб тушмаганлигини инобатга олиб

Йиғилиш қатнашчилари ўзаро фикрлар алмашилиб, ўзора келишиб,

ҚАРОР ҚИЛАДИ:


1. Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармоғини қуриш ишларини бажариш учун “SURXON” ХК билан шартнома тузилиб, тўловлар амалга оширилсин.
2. Мазкур топширикни бажариш бош ҳисобчи А.Бухаров зиммасига юклатилсин.

Комиссия раиси:



О.Бобомуродов

Аъзолари:



Б.Чориев

У. Раимов

И. Кулбоев

Ж. Кличев

С.С. Мамытбаев
 Президент



“УСУВИЛЬМИРОТ” АЖ БОИРСИЗ КУРАДИН ӨЗ “ТАСДИКАЙМАН” АЖ БОИРСИЗ КУРАДИН ӨЗ “УСУВИЛЬМИРОТ” АЖ БОИРСИЗ КУРАДИН ӨЗ

Объектлари курилши бўйича ижтимоий компанияси” УК Сурхондарё вилояти худудини бошқармаси буюртмачилигида

МАНЗИЛДИН РЎЙХАТИ

22.08.2022 йил келишиб беришни маърузини рўйхатлар ўрнига

№	Объектлар номи ва маълумоти	Курилши боғлиқлиги	Лойиҳа кўпчилиги	Объектнинг ҳақиқий қиймати (сўрашган объект қиймати) (сўрашган объект қиймати) (сўрашган объект қиймати)	01.01.22 й. қиймати	01.01.22 й. қиймати	01.01.22 й. қиймати	01.01.22 й. қиймати	2022 йил учун қийматли қўрилмавлар аҳолига				2022 йилда фойдаланишга топширилган ва		01.01.23 й. қиймати	Экспертиза ҳисобидан қўрилган ва санъат	Текшер (санъат)лар қиймати ва бўйича баҳолаш бўйича баҳолаш	Курилши мақсад таъминоти
									Жами қийматли қўрилмавлар	Қурилши қиймати	Жами	Жами	Қурилма	Ассети фойда				
1	Сурхондарё вилояти бўйича жами:		39,6 км²	7 650,64	7 650,64	7 650,64	7 650,64	7 650,64	12 052,00	9 801,86	588,00	231,00	7,5 км²	7 650,64	3 60,78			
	7 объект		7 объект	435,00	435,00	435,00	435,00	435,00					10 объект					
	Қишлоқ саноат зонаси		1,0 км²						1 150,00	1 085,5	64,5							
1	Бандиқон тумани Костела МФЙ КСЗ-3да ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,25 км²						150,00	135,50	14,50							Тилан (генер) саноатлари оралиқ аниқлашди
	Иш жўрдалди ДКН										4,50							
2	Қорағон тумани Қўрғон МФЙ КСЗ-4да ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,4 км²						580,00	523,50	26,50							Тилан (генер) саноатлари оралиқ аниқлашди
	Иш жўрдалди ДКН								450,00	426,50	23,50							
3	Шарофат Тароқи МФЙ КСЗ-4да ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,3 км²								13,50							Тилан (генер) саноатлари оралиқ аниқлашди
	Иш жўрдалди ДКН																	
	Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси		25,6 км²	6 023,46	6 023,46	6 023,46	6 023,46	6 023,46	5 890,02	5 520,97	369,05	191,00	5,9 км²	6 023,46	283,45			
	1 объект		1 объект	354,55	354,55	354,55	354,55	354,55					8 объект					
4	Тарон тумани Ташкент МФЙ худудини ФСТЗда ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,5 км²	285,99	285,99	285,99	285,99	285,99	272,62	254,09	18,53	9,00	0,5 км²	285,99	13,37	№ 56489	№ 137458	ГРАНТ БАРАКА ИСТИҚБОЛ” ХК
	Иш жўрдалди ДКН			18,53	18,53	18,53	18,53	18,53	14,71				ноҳрий			12.08.2022 й.	26.08.2022 й.	
5	Ангор тумани Шарофат МФЙ худудини ФСТЗда ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,8 км²	140,83	140,83	140,83	140,83	140,83	134,24	125,03	9,01	4,00	0,8 км²	140,83	6,59	№ 55706	№ 137375	ГРАНТ БАРАКА ИСТИҚБОЛ” ХК
	Иш жўрдалди ДКН			9,01	9,01	9,01	9,01	9,01	9,01				0,8 км²			09.08.2022 й.	26.08.2022 й.	
6	Бандиқон тумани Шарофат МФЙ худудини ФСТЗда ишонқил сўра тармоғини қуриш*		0,2 км²	315,58	315,58	315,58	315,58	315,58	300,82	280,34	20,48	10,00	0,2 км²	315,58	14,75	№ 55305	№ 137391	“SIRXON” ХК
	Иш жўрдалди ДКН			20,48	20,48	20,48	20,48	20,48	17,05				0,2 км²			06.08.2022 й.	26.08.2022 й.	
7	Душон тумани Ҳуррият МФЙ худудини ФСТЗда ишонқил сўра тармоғини қуриш*		1,6 км²	721,58	721,58	721,58	721,58	721,58	687,65	644,58	43,07	30,00	1,6 км²	721,58	33,93	№ 56408	№ 140043	“FORWARD” БСГ” МНЖ
	Иш жўрдалди ДКН			43,07	43,07	43,07	43,07	43,07	37,61				1,6 км²			12.08.2022 й.	26.08.2022 й.	

ОБЪЕКТЛАРНИ ДАВЛАТ МАБЛАГЛАРИ ВА ҲУКУМАТ КАФОЛАТИ ОСТИДАГИ КРЕДИТЛАР ҲИСОБИГА БАРПО ЭТИШДА ҚУРИЛИШ ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРИНИ МАЖБУРИЙ СУГУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА 10-099/01252-СОНЛИ ШАРТНОМА

2022 йил “05” сентябр

Термиз ш.

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2022 йил “25” февралдаги SF № 00042-сонли Лицензияси ва Устав асосида фаолият кўрсатувчи “Imkon-Sug`urta” АЖ нинг Сурхондарё вилояти филиали бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилувчи номидан 2022 йил “01” мартдаги 44-сонли Ишончнома асосида ҳаракат қилувчи А.Х.Тўрақулов бир томондан ва Низом асосида фаолият юритувчи "SURXON" ХК бундан кейин матнда «Сугурталовчи» деб юритилувчи номидан Низом асосида ҳаракат қилувчи Т.Норбоев иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилувчилар қуйидаги шартлар асосида мазкур шартномани туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Сугурталовчи Сугурта қилдирувчи/Наф олувчининг мулкый манфаатларини, ҳамда қурилиш пудрати шартномасида кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида учинчи шахслар ҳаёти, соғлиги ва мулкига зарар етказиш учун Сугурта қилдирувчининг жавобгарлигини сугурталайди ва сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурта пули доирасида сугурта Шартномасида белгиланган тартибда, Сугурта қилдирувчи/Наф олувчи зарарларини қоплаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. Сугурта Шартномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 декабр 20 декабрдаги 532-сонли “Объектларни давлат маблағлари ва ҳукумат кафолати остидаги кредитлар ҳисобига барпо этишда қурилиш таваккалчиликлари мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ тузилган.

II. ШАРТНОМАДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН АТАМАЛАРНИНГ ТАВСИФИ

Мазкур шартномада қуйидаги маънога эга атамалар қўлланган.

Сугурта шартномаси – Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўртасидаги ёзма келишув. Сугурта полиси, ариза-анкета, иловалар, истиснолар, алоҳида келишилган шартлар Сугурта шартномасининг ажралмас қисмлари ҳисобланади.

Сугурта объекти - Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 20 декабрдаги 532-сонли Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, машиналар, уларга эҳтиёт қисмлар, материаллар ва қурилиш майдонида бўлган ҳамда сугурта шартномасида қайд этилган қурилиш ва монтаж буюмини ўзида ифода қилган бошқа мол-мулк, шунингдек қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахсларнинг ҳаётига, соғлиғига ва мол-мулкига зарар етказганлиги учун Сугурта қилдирувчининг жавобгарлиги сугурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Сугурта полиси – Сугурта қилдирувчига сугурта мукофотини Сугурталовчига тўлиқ тўлаганидан сўнг бериладиган ва сугурта шартномаси тузилганлигини, ҳамда Сугурта шартномаси шартларига мувофиқ, Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбурияти кучга кирганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Сугурта қилдирувчи - Сугурта шартномасини тузган, сугурта мукофотини тўлаётган ва Сугурталовчи билан аниқ сугурта муносабатларига қираётган, сугурта қилинаётган мулкни сақлашидан манфаатдор шахс.

Наф олувчи – фойдасига Сугурта шартномаси тузилган шахс. Агар Сугурта шартномасида бошқа шахс кўрсатилмаган бўлса, Сугурта қилдирувчи Наф олувчи деб тан олинади.

Учинчи шахс – Сугурта қилдирувчи билан шартномавий муносабатлари мавжуд бўлмаган, ва қурилиш пудрати шартномаси билан кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш вақтида унинг ҳаёти, соғлиги ва мулкига зарар етказилиши мумкин жисмоний ёки юридик шахс.

Учинчи шахслар қаторига Сугурта қилдирувчи, унинг ходимлари, ҳамда ўз шартномавий мажбуриятларини амалга оширишда Сугурта қилдирувчи номидан иш қўраётган жисмоний ва юридик шахслар киритилмайди.

Мулк – сугурта Шартномасида белгиланган бино, иншоот, жиҳоз, машиналар, уларнинг эҳтиёт қисмлари, материаллар ва қурилиш майдонида жойлашган қурилиш ва монтаж предмети ҳисобланган бошқа буюмлар;

Сугурта қиймати – сугурта манфаати билан боғлиқ мулкнинг сугурта Шартномаси тузилаётган пайтдаги ҳақиқий қиймати.

Сугурта пули – полисида кўрсатилган ва Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда, Сугурталовчи томонидан тўланадиган сугурта товони пул маблағларининг миқдори.

Моддий зарар бўйича сугурта пули – қурилиш ишлари (охирги ва тахминий, бунинг учун фойдаланиладиган материалларни ҳисобга олиб), келишилган қурилиш баҳоси, Бунюртмачи таъминлайдиган қурилиш материаллари ёки элементлари, қурилиш майдонидаги асбоб ускуналар ва қурилиш асбоб ускуналари, илова қилинган рўйхатга кўра қурилиш машиналари, тозалаш бўйича (сугурта пулининг 2 фоизидан ошмаган ҳолдаги) харажатлар суммаси.

Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик Жавобгарлиги – Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчининг ўзаро келишув асосида, ихтиёрий тарзда 100 000 000,00 (бир юз миллион) сўмгача миқдорда белгиланадиган сугурта миқдори.

Сугурта мукофоти – Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига мазкур Сугурта шартномаси билан белгиланган тартиб ва муддатларда тўлаши лозим бўлган пул маблағлари миқдори.

Сугурта товони – Сугурта ходисаси рўй берган тақдирда мазкур Сугурта шартномасига мувофиқ, Сугурта қилдирувчи / Наф олувчига сугурта пули доирасида тўланадиган пул маблағларининг миқдори

Сугурта ходисаси – Сугурта шартномасида назарда тутилган, ҳужжатлар билан тасдиқланган ва сугурта даври ва ҳудудида ҳақиқатан рўй бериши оқибатида Сугурталовчининг сугурта товонини тўлаш мажбуриятини вужудга келтирувчи ходиса.

Сугурта даври – Сугурта полисининг амал қилиш даври. Сугурталовчининг сугурта ходисалари бўйича мажбуриятлари фақат Сугурта полисида кўрсатилган сугурта даврида амал қилади.

Сугурта ҳудуди – Сугурта шартномаси амал қиладиган ҳудуд. Мазкур Сугурта шартномаси бўйича сугурта ҳудуди – Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги мулк жойлашган жой (манзили) ҳисобланади.

Тозалаш бўйича харажатлар – сугурта ходисаси рўй берганидан сўнг, ҳудудни тиклаш ишларини амалга ошириш учун қулай шароитга келтириш билан боғлиқ харажатлар.

Шартсиз франшиза - Сугурта қилдирувчининг қўрган зарарининг бир қисми бўлиб, Сугурта ходисаси натижасида Сугурталовчи зарарининг шу қисми учун жавобгарлик олиб бормади.

Сугурта жавобгарлигининг кучга кириши санаси – Мазкур шартнома учун ҳисобланган сугурта мукофоти компания ҳисоб рақамига тўлиқ тушган санада 24:00 дан бошланади.

III. СУГУРТА ХОДИСАСИ

3.1. Сугурта ходисаси деб, Сугурта шартномаси тузилган, шартнома билан истисно қилинмаган ҳодиса ҳақиқатан ҳам сугурта даврида ва сугурта ҳудудида рўй берган, ва ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳодиса тан олинади:

3.2. Сугурта Шартномаси асосида, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчининг мулкый манфаатларини қуйидаги хатарлар оқибатида мулк шикастланиши ёки йўқотилишидан сугурта ҳимоясини тақдим этади:

- ёнгин, чакмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш;
- ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари;
- сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши;
- бўрон, довул;
- зилзила, сел, қўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш;
- қиска туташув, ортикча қучланиш, электр ёйлари;
- машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши;
- нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар;
- қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлиги пайдо бўлиши.

IV. СУГУРТА ПУЛИ ВА СУГУРТА МУКОФОТИ

4.1. Қурилаётган объект тўлиқ қийматининг 80 фоизидан ортик бўлмаган қисми ёки илгари бажарилган ишлар ҳажми, шу жумладан материаллар қиймати ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилаётган йилда барпо этилаётган объект қийматининг бир қисми томонларнинг қелишувига кўра сугурта пули бўлади.

Умумий сугурта пули миқдори Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 6-бандида кўрсатилган.

Умумий сугурта мукофоти миқдори Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 7-бандида кўрсатилган.

4.2. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 1-бандида ташкилот номи кўрсатилган.

4.3. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 2-бандида Қурилиш Объектнинг манзили: кўрсатилган.

4.4. Мазкур Шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 3-бандида Қурилиш Объектнинг баҳоси кўрсатилган.

4.4. Мазкур шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 4-бандида Моддий зарар бўйича сугурта жавобгарлиги миқдори кўрсатилган.

4.5. Мазкур шартноманинг 1-иловаси декларациясининг 5-бандида Учунчи шахслар олдидаги фуқаролик Жавобгарлиги миқдори кўрсатилган.

4.6. Сугурта мукофоти Сугурта қилдирувчи томонидан бир вақтда тўлиқ тўланади.

4.7. Қурилиш объекти сугурта қилдирувчига ва сугурталаш унинг фойдасига тузилган шахсга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра консервация қилинганда сугурта шартномаси бўйича қолган давр учун мутаносиб равишда ҳисоблаб чиқарилган сугурта тўловининг бир қисми сугурталовчи томонидан қайтарилиши мумкин.

4.8. Агар ишларни жадаллаштириш натижасида қурилишнинг белгиланган муддати сугурта шартномасида кўрсатилган сугурта муддати тугашидан илгари тугаса сугурта тўлови қайтарилмайди.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ

5.1. Мазкур Сугурта шартномаси Сугурта қилдирувчининг ёзма равишдаги Аризасига асосан Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ўрталарида тузилди.

5.2. Мазкур шартнома бўйича Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурталанган мол-мулк қурилиш майдонида туширилган кундан бошланади, Сугурта қилдирувчи томонидан сугурта мукофоти ўз вақтида тўланганда ва бевосита қурилиш майдонида иш ёки юк тушириш ишлари бошлангандан кейин шартномада кўрсатиб ўтилган санадан бошлаб қучга қиради.

5.3. Сугурталовчининг жавобгарлиги сугурта мукофоти ҳисоб рақамига қелиб тушган кундан бошланади.

5.4. Сугурталовчининг жавобгарлиги қурилиш, монтаж қилиш, асбоб ускуналарни бўш ва иш ҳолатида синашнинг бутун даври мобайнида давом этади ва объектни фойдаланишга топшириш пайтида, бироқ сугурта полисида кўрсатилган санадан кечикмай тамом бўлади.

5.5. Сугурта шартномаси асосан Сугурталовчининг ҳисоб-рақамига Сугурта мукофоти тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун ичида Сугурта полиси берилади.

5.6. Сугурта полиси Сугурта шартномасининг амал қилиш муддатигача берилади.

5.7. Сугурта қилдирувчи Сугурта полисини йўқотган ҳолда, унинг ёзма равишдаги аризасига асосан, Сугурталовчи Сугурта қилдирувчига Сугурта полисини қўчирма нусхасини (дубликатини) ёзиб беради. Йўқотиб қўйилган Сугурта полиси бекор қилинади.

5.8. Сугурта шартномаси Сугурта қилдирувчининг ёзма аризасига асосан (қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда) ҳар қандай ҳолатда ўзгартирилиши, ўзгартиришлар киритилиши ёки тўхтатилиши мумкин.

5.9. Сугурталовчининг фаолияти тугатилган ҳолда, Сугурта шартномасининг амал қилиши ҳам тўхтатилади. Сугурта шартномасига тегишли бўлган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар унинг қонунчилик асосида белгиланган ҳуқуқий ворисига ўтади.

5.10. Сугурталовчи Сугурта шартномасини тузишда Сугурта сюрвейери хизматларидан фойдаланиши мумкин.

VI. СУГУРТА ҲОДИСАСИ

6.1. Мазкур шартномага асосан қурилиш майдонида қўтилмаган тасодифий ва тўсатдан рўй берувчи ҳодисалар натижасида сугурталанган мулкнинг шикастланишига ёки нобуд бўлишига сабаб бўлувчи ҳақиқатда содир бўладиган воқеалар, яъни ёнгин, чакмок, портлаш, учувчи аппаратларнинг қулаши, ўз-ўзидан ёниш, ўғрилиқ ва учинчи шахсларнинг қасддан содир этган ҳаракатлари, сув тошқини ва сув босиши, қувурларнинг ёрилиши, бўрон, довул, зилзила, сел, қўчки, тупрокнинг чўкиши, ўпирилиш, қулаш, қиска туташув, ортикча қучланиш, электр ёйлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва конструкцияларнинг қулаб тушиши, нуқсонли материаллар ва конструкцияларни онгсиз равишда қўллашдан қўрилган зарар, қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда учинчи шахслар олдида фуқаролик жавобгарлигининг пайдо бўлиши Сугурта ходисаси ҳисобланади.

6.2. Қуйидагилар Сугурта ходисаси ҳисобланмайди:

6.2.1. ҳар хил ҳарбий ҳаракатлар ёки ҳарбий тадбирлар ва уларни оқибатлари, миналар, бомбалар, бошка уруш қуролларининг таъсири, халқ галаёнлари ва иш ташлашлари, терроризм, мусодара қилиш, реквизиция, мол-мулкни хатлаб қўйиш, ҳарбий ёки фуқаро маъмурлари ва бирон бир сиёсий ташкилотларнинг фармойишига кўра мол-мулкнинг йўқ қилиниши ёки шикастлантирилиши;

6.2.2. ядро портлаш, радиация ва радиоктив захарланиш;

6.2.3. Сугурта килдирувчининг, фойдасига сугурта тузилган шахснинг ёки уларнинг вакилларининг касдан килган ҳаракати ёки кўпол эҳтиётсизлиги;

6.2.4. Сугурта килдирувчи фойдасига сугурта тузилган шахсларга ёки уларнинг вакиллариغا сугурта ходисаси бошлангунгача маълум бўлган хатолар, камчиликлар ёки нуқсонлар;

6.2.5. лойиҳа-смета ҳужжатларида назарда тутилмаган ишларнинг қисман ёки умуман тўхтатилиши;

6.2.6. айрим буюмларнинг каррозияга учраши, чириши, табиий эскириши, ўзидан-ўзи ёниши ёки бошқа табиий хоссалари, бунда ушбу ходисалар келтириб чиқарган бахтсиз ходисалар натижасида бошқа сугурта қилинган буюмлар шикастланишидан кўрилган зарарнинг ўрни қопланади;

6.2.7. лойиҳа смета ҳужжатларида назарда тутилмаган тажриба ёки тадқиқот ишлари;

6.2.8. қурилиш техникаси ва транспорт воситалари ички томонининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда синиши натижасида шикастланиши.

6.3. Сугурталовчи шунингдек объектлар қурилишида фойдаланиладиган нуқсонли материаллар, буюмлар ёки уларнинг қисмлари алмаштирилиши, тузатилиши ёки созланиши қийматини, шунингдек ишларни амалга оширишдаги хатолар қийматини ҳам тўламайди. Ушбу истисно дахл қилинган нуқсонли материаллар ва буюмлар билангина бевосита чекланиб қолади, ammo материаллар ёки ишлардаги бундай нуқсонлар натижасида тўғри қурилган объектлар ва буюмларга етказилган зарар қопланишини истисно қилмайди.

6.4. Ёнилли-мойлаш материаллари, кимёвий моддалар, совутиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материаллар, сугурта қилинган объект томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (сугурталанган таваккалчиликлар учун зарур бўлган қурилиш объектларидан ташқари), кимматбаҳо металллар, тошлар, санъат асарлари, ҳужжатлар ва кимматли қозғаларнинг нобуд бўлиши ёки шикастланиши, шунингдек фақат хатлов пайтида аниқланган зарар, бой берилган фойда ёки шартномавий жарималар сингари бирор-бир бевосита зарар сугурта билан қопланмайди.

6.5. Моддий зарар бўйича тўланмайдиган ҳолатлар:

- хар бир сугурта ходисасига алоҳида Сугурта килдирувчи олиб борадиган зарар миқдори учун шартномада кўрсатилган франшизага;

- хар хил хусусиятга эга бўлган жаримадан бошлаб, шартнома талабларининг бузилиши, бекор қилиниши, тўловни кечиктиришда келиб чиққан зарарларга;

- нотўғри лойиҳалаштириш натижасида бузилган жойга ва зарарларга;

- қурилиш ишларини бажаришдаги хатоликларни ёки нуқсонли хом-ашёни бартараф этиш ёки таъмирлаш ёки созлаш ишларига, алмаштиришга кетган ҳаражатларга;

- одатдаги об-хаво шароити таъсирида ёки фойдаланмаганлик натижасида эскириши, каррозияга учраши, оксидланишида баҳосини тушишига;

- қурилиш майдонида қурилиш машиналарини ва асбоб-ускуналарини механик ва электр бузилишлар натижасида бузилиши, издан чиқиши, мойлаш-совутиш суюқликларини музлаши, нуқсонли мойлаш ёки ёнилли-мойлаш хом ашёларини ва совутиш суюқликларини оқиб чиқиб кетиши, агарда бундай бузилишлар бахтсиз ходиса туфайли бузилган ҳисобланиб қўшимча шикастланиш келтириб чиқарган бўлса бу зарар қопланади;

- папка ҳужжатлари билан, чизмалар, қозғалар, пуллар, ҳисоб варақалар, маркаларни хар хил тури, қарз мажбурияти тўғрисидаги ҳужжатлар, кимматли қозғалар ёки чеклар, банкнотларга зарар етиши ёки нобуд бўлишига;

- хатлов пайтида аниқланган зарарлар ёки шикастланишларга.

6.6. Жавобгарлик бўйича Сугурталовчи Сугурта килдирувчига қуйидаги ҳолларда келтирилган зарарларга жавобгарлик олиб бормайди:

а) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ сугурталанган қурилиш ишлари билан шугулланувчи пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмаларнинг ишчи ва хизматчилари ёки уларнинг оила аъзоларининг касалланиши ёки танаси шикастланишига;

б) Моддий зарар бўйича қисман ёки тўлиқ сугурталанган қурилиш ишлари олиб бориш топширилган пудратчи (пудратчилар), буюртмачи (буюртмачилар) ёки бошқа фирмалар уларнинг бошчилигида назоратда ёки сакловида турган мулкларига ёки ишчи ва хизматчиларига;

в) йўлларда фойдаланишга руҳсат берилган транспорт воситалари ёки сузувчи воситалар ёки самолётлар келтириб чиқарган бахтсиз ходисаларга;

г) келишмасдан олдин бор жавобгарликдан ташқари йўл қўйилиши мумкин бўлган ихтиёрий тартибда Сугурта килдирувчи қабул қилган тоvon тўлаш бўйича мажбуриятлар ёки бошқа турдаги компенсацияларга.

VII. СУГУРТА ТОВОНИ МИҚДОРИНИ АНИҚЛАШ ВА ТЎЛАШ ТАРТИБИ

7.1. Моддий зарар бўйича Сугурталовчи ва Сугурта килдирувчи ўзаро қайд этиб ўтилган мулкларга ёки уларнинг қисмига сугурта муддати давомида Сугурта ходисаси натижасида қутилмаганда ва тўсатдан етказиладиган, тўланмайдиган ҳолатлар бўйича шартлашилмаган сабаблар натижасида шикастланган, мулкни таъмирлаш ва алмаштиришга зарурият келтириб чиқарадиган моддий зарарни ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан қоплаб беради, бироқ жами хар бир сугурта ходисаси ва умумий сумма бўйича шартномада шартлашилган сугурта пулидан ошмаган миқдорда қоплаб беради. Сугурталовчи сугурта ходисасидан кейин худудни тозалаш билан боғлиқ оқилона ҳаражатларни ҳам тўлайди, бироқ у сугурта пулининг 2.0 фонзидан ортиқ бўлмайди.

7.2.1 Жавобгарлик бўйича Мазкур шартнома доирасида зарар ёки шикастланиш қуйидаги тартибда қопланади:

а) сугурталанган мулкларнинг шикастланишидан аввалги ҳолатига келтириш учун бартараф этиш мумкин бўлган шикастланиш таъмирлаш ҳаражатлари бўйича қопланади;

б) сугурталанган мулкларнинг шикастланиши оқибатида тўлиқ нобуд бўлиши, мазкур шартномани шартларини бажариш ва қўшимча шартларига риоя қилиш шarti билан мулкни ҳақиқий баҳоси билан бироқ кўрсатилган сугурта пули миқдорида қоплаб берилди.

Сугурталовчи таъмирлаш ишлари қилинганлиги ёки шикастланган қисмини алмаштирилганлиги ҳақида ҳужжатлар ёки зарур ҳисоб-китоб ҳужжатлари тақдим қилингандан сўнг зарарни қоплаб беради.

Сугурта ходисаси рўй берганда таъмирлашга бериладиган барча шикастланишларни таъмирлаш ишларига кетган ҳаражатлар сугурталанган мулкларни баҳосидан ошиб кетганда зарарни тугатиш “б” кичик бандидаги шартлар тартибда амалга оширилади.

Агар таъмирлаш охириги таъмирлашни охириги қисми ҳисобланиб, таъмирлаш ишлари бўйича жами ҳаражатлар ошиб кетмаса, Сугурталовчи тахминий таъмирлаш ишларига ҳаражатларни қоплаб бериши мумкин.

Мазкур шартнома доирасида бўлиши мумкин бўлган ўзгартиришларга, қўшимчаларга ёки янгиликларга алоқадор ҳаражатларга қоплама тўланмайди.

7.2.2. Сугурталовчи жавобгарлик бўйича Сугурта килдирувчига юкори даражада шартномада кайд этилган Сугурта пули чегарасида, яъни Сугурта килдирувчи фукаролик жавобгарлиги олиб борадиган суммада:

- а) бахтсиз ходиса рўй бериши натижасида учинчи шахсларни танаси шикастланишига ёки касалланишига (ўлимига);
Согликка етказилган зарар учун товон қуйидаги миқдорларда тўланади:

Тан жароҳати оғирлиги	Тўлов миқдори (Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдори)
Одам ўлими	100
Тан жароҳати (I гуруҳ ногиронлиги)	60
Тан жароҳати (II гуруҳ ногиронлиги)	40
Тан жароҳати (III гуруҳ ногиронлиги)	20
Ногиронликка олиб келмаган жароҳат ва бошқа тан жароҳатлари	10

б) сугурта даври мобайнида учинчи шахсларнинг мулкига бахтсиз ходиса туфайли етказилган зарар ва шикастланишларга, агар бу бахтсиз ходиса моддий зарар бўйича сугурталанган қурилиш ва монтаж ишлари олиб борилаётганда қурилиш майдонининг ўзида ёки бевосита ёнгинасида рўй берса коплаб берилади.

7.3. Сугурта ходисаси бошланганда Сугурта килдирувчи ёки сугурта шартномаси унинг фойдасига тузилган шахс, сугурталовчининг сўровномаларини ёки талабларини кутиб ўтирмасдан, қўрилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришнинг имкони бўлган барча чораларини қўриши ва 7 календарь кундан кечикмай сугурталовчини содир бўлган ходисадан ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

7.4. Сугурта килдирувчи, Сугурта ходисаси юз берганда Сугурталовчига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- Сугурта ходисаси тўғрисида хабарнома;
- Сугурта полиси;
- Сугурта ходисасини тасдиқловчи мутасадди ташкилотларнинг ҳужжатлари;
- Сугурта ходисаси натижасида зарарланган Мол-мулкнинг фотосуратлари;
- Сугурта килдирувчи ўзига маълум бўлган Сугурта ходисасига оид бошқа маълумотлар.

7.5. Сугурта килдирувчининг ёзма аризаси олингандан ва сугурта товони тўлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар олингандан кейин комиссия тузилади, комиссия таркибига Сугурта килдирувчининг ва сугурталовчининг вакиллари, шунингдек, зарурат бўлганда, маифаатдор шахс ҳисобига ваколатли ташкилотларнинг вакиллари киритилади.

7.6. Барча тарафлар маълумотномага имзо чекадилар ва имзо чекиш жараёнида ўз эътирозларини маълумотномада акс эттиридилар.

7.7. Тузилган маълумотномалар Сугурта ходисаси тан олинганлиги ёки тан олинмаганлигини билдирмайди ва маълумотномалар асосида Сугурта товони тўланмайди.

7.8. Сугурталовчи тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириши ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиши мумкин.

7.9. Сугурта килдирувчи ҳар қандай ҳолатда ўз маблаглари ҳисобидан Сугурта ходисаси билан боғлиқ бўлган барча ҳужжатларни (Сугурта ходисасини тасдиқловчи ҳужжатлар нусхаси ва ходиса тафсилотлари ҳақида маълумотнома) ишлаб чиқиш, харид қилиши ва Сугурталовчига тақдим этиши шарт.

7.10. Сугурта килдирувчи Сугурта ходисаси содир бўлганда зарарланган мол-мулкни таъмирлаш, сотиш, металлломга топшириш ёки бировга бериш, ёкиб юбориш, йўқ қилиш ва бошқа ишларни Сугурталовчи билан келишган ҳолда (ёзма равишда) амалга оширади.

7.11. Сугурта товони ҳақиқий етказилган зарар миқдорида, агар Сугурта шартномасида Франшиза қўлланилган бўлса, ушбу Франшиза миқдори ҳисобга олиниб, лекин шартномада белгиланган Сугурта пулидаги миқдоридан ошмаган ҳолда белгиланади.

7.12. Сугурта пули объект баҳосидан кам қилиб белгиланганлиги учун Сугурталовчи Сугурта ходисаси юз берганда Сугурта килдирувчига у қўрган зарарни Ўзбекистон Республикаси Фукаролик Кодексининг 936-моддасига асосан Сугурта пулининг объект баҳосига бўлган нисбатига мутаносиб равишда коплайди.

7.13. Сугурта товони далолатномага қўл қўйилган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида тўлаб берилади.

7.14. Сугурта товони мазкур Сугурта шартномасига асосан ҳисоб рақамга пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

7.15. Сугурта ходисаси рўй берганда яна амал қилинаётган Сугурта шартномаси мавжуд бўлса ёки зарар етказган шахсдан Сугурта килдирувчи фойдасига моддий зарар ундирилган бўлса, тўланган ёки копланган зарарни чегириб ташлаган ҳолда Сугурта товони тўлаб берилади.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Сугурталовчининг ҳуқуқлари:

- сугурталанган қурилиш объектнинг ҳолатини, шароитини Сугурта шартномасини тузишда ва амал қилиш даврида ҳамда Сугурта ходисаси содир бўлганда текшириш;
- Сугурта килдирувчи Сугурта шартномаси шартларини бажармаганда, Сугурта шартномасини бекор қилиш;
- мазкур шартнома ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда Сугурта товонини тўлашни рад этиш;
- сугурталанган қурилиш объектида содир бўлган ходиса юзасидан йўқотилиш ёки шикастланиш бўйича айбдор шахслар аниқланган ҳолларда тўланган Сугурта товонини улардан ундириб олиш ҳақида даъво қилиш;
- Сугурта товони миқдорини аниқлаш учун Сугурта килдирувчидан мутасадди ташкилотларнинг далолатномаларини, экспертлар ҳулосаларини тақдим этишни талаб қилиш;
- Сугурта килдирувчининг тақдим этган ҳужжатларининг тўғрилигини текшириш ва зарур ҳолатларда, бошқа керакли ҳужжатларни талаб қилиш;
- Сугурта килдирувчи олдидаги Сугурта товонини тўлаш бўйича мажбуриятлар тўлик бажарилганида, Сугурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;
- Сугурта сюрвейери ҳамда Сугурта ходисалари бўйича Аджастер хизматларидан хизматларидан фойдаланиш.

8.2. Сугурталовчининг мажбуриятлари:

- Сугурта полисини мазкур Сугурта шартномасида белгиланган муддатда Сугурта килдирувчига ёзиб бериш;

- Сугурталанган қурилиш объектида Сугурта ходисаси содир бўлганлиги тўғрисидаги хабарномани олгач, 3 (уч) кун ичида жойига чиқиб етказилган зарарни аниқлаш ва тегишли ташкилотлар вакили иштирокида маълумотнома тузиш;
- Сугурта ходисаси натижасида сугурталанган қурилиш объектидаги етказилган зарар бўйича Сугурта товони миқдорини ҳисоблаб чиқиш ва далолатнома асосида белгиланган муддатда тўлаш.

8.3. Сугурта килдирувчининг ҳуқуқи:

- мазкур Сугурта шартномасида келишилган шартлар асосида Сугурта полисини Сугурталовчидан олиш;
- мазкур Сугурта шартномасининг амал қилиш даврида шартномага доир саволларга Сугурталовчидан тўлиқ жавоблар олиш;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда ушбу шартномада кўрсатилган тартибда Сугурта товонини олиш.

8.4. Сугурта килдирувчининг мажбуриятлари:

Сугурта килдирувчи жавобгарликдан ташқари ўз ҳисобидан барча оқилона эҳтиёткорлик чораларини кўради ва шикастланишларни, зарарларни бартараф этиш бўйича Сугурталовчи берган барча зарур тавсияларга риоя қилиши, шунингдек қурилиш коиди ва меъёрлари талабларига, асбоб ускуналар тайёрлаш тавсияларига амал қилиши;

Қурилиш майдонида ўт ўчириш ва ёнғинга қарши қуйидаги чораларга тегишли махсус шартлар бажарилишини назоратга олади:

- керакли миқдордаги ишчилар ёнғинга қарши асбоб ускуналардан фойдаланиш учун ўргатилган ва ёнғин бўлганда тезкор ҳаракатга тайёр туриши;
- тегишли ёнғинга қарши асбоб ускуналар ва керакли ўт ўчирувчи мосламалар доим иш ҳолатида туриши;
- объектда иш бошланганда барча ёнғинга қарши кўрилган воситалар созланган ва фойдаланиш учун тайёр бўлиши;
- тезда ўт олувчан ва ёнувчан материаллар ёнида пайвандлаш ёки оловли ишлар ўтказишда битта ўқиган ишчи ёнғин билан кураш учун шай тургандагина йўл қўйиши;
- барча қурилиш конструкцияларини, материалларини ва буюмларини тегишли коидалар ва меъёрлар талаби доирасида сақлаши;
- энг яқин ўт ўчириш бригадаси мазкур ҳудуд билан таништириш ва хоҳлаган пайтда шу ҳудудга эркин кириши учун руҳсат бериши;
- қурилиш майдони ўралган ва унга киришни назорат қилиши;

Ҳодиса рўй берганда мазкур шартнома доирасида талабни асосламоқчи бўлганда Сугурта килдирувчи қуйидагиларга мажбур:

- Сугурталовчига хавф хусусияти ва эҳтимолдаги миқдорини ёзма равишда 7 календар кунда хабар қилиши;
- зарарларни камайтиришга мавжуд барча чораларни кўриши;
- зарарланган қисмни сақлаб қўйиш ва Сугурталовчининг вакилига ёки экспертга кўриқдан ўтказиш учун тақдим қилиши;
- Сугурталовчига рўй берган ходисага тааллуқли барча маълумот ва ҳужжатларни тақдим қилиши;
- кулф бузилиб амалга оширилган ўғирлик натижасида зарар кўрилганда содир бўлган воқеа ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бериши;
- мазкур Сугурта шартномасидаги шартларни белгиланган муддатларда бажариш, уларни бузмаслик учун барча чораларни кўриши;
- белгиланган муддатларда Сугурта мукофотини тўлаши;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда, Сугурталовчига белгиланган муддатда, ёзма равишда хабарнома бериш ва Сугурта товонини аниқлаш учун зарур бўлган барча ҳужжатларни тақдим қилиши;
- Сугурта килдирувчи мазкур мол-мулк бўйича бошқа сугурта ташкилотлари билан тузилган барча сугурта шартномалари тўғрисида сугурталовчини ёзма равишда хабардор қилиши;
- Сугурта ходисаси рўй берганда зарар миқдорини аниқлаш учун зарур бўлган фотосурат ёки видеотасмалар билан Сугурталовчини таъминлаши;
- юридик манзили ва банк реквизитлари ўзгарганда Сугурталовчига 10 кун ичида ёзма равишда хабарнома бериши;
- Сугурта ходисаси содир бўлганда таъмирлаш ва бошқа (сотиш, металлоломга бериш ва хоказоларни) ишларини Сугурталовчи билан келишилган ҳолда амалга ошириши.

IX. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

9.1. Сугурта Шартномаси исталган пайтда, бир томоннинг ёзма аризасига асосан бекор қилиниши мумкин, бунда ёзма ариза Шартномани бекор қилишнинг тахминий санасидан камида 5 (кун) кун аввал берилиши шарт.

9.2. Сугурта Шартномаси муддатдан аввал бекор қилинган тақдирда, тўланган сугурта мукофоти қуйидаги тартибда қайтарилади:

- а) Сугурта килдирувчи ушбу сугуртадан Сугурталовчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли муддатдан аввал воз кечганда, сугурта мукофоти тўлиқ қайтарилади;
- б) Шартнома томонлар келишувига асосан муддатдан аввал бекор қилинганда, сугурта мукофоти Сугурта килдирувчига сугурталашнинг тугамаган даврига мутаносиб равишда, тўланган сугурта мукофотининг 25% миқдориди Сугурталовчининг иш юритиш бўйича харажатларини ва аввал тўланган сугурта товонининг миқдорини айириб, қайтарилади.

9.3. Сугурта Шартномаси Сугурта килдирувчи шартнома шартларини бузганлиги сабабли Сугурталовчи ташаббуси билан бекор қилинса, сугурта мукофоти қайтарилмайди.

X. СУБРОГАЦИЯ

10.1. Сугурта килдирувчининг Сугурта ходисаси натижасида қопланган зарар учун жавобгар шахсдан талаб қилиш ҳуқуқи тўланган сумма доирасида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 957-моддасига асосан Сугурталовчига ўтади. Сугурталовчига ўтган талаб қилиш ҳуқуқи унинг томонидан Сугурта килдирувчи ва зарар учун жавобгар бўлган шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи коидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

10.2. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчига ўзига ўтган талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириши учун зарур бўлган барча ҳужжатлар ва далилларни Сугурталовчига бериши, ҳамда барча маълумотларни унга маълум қилиши шарт.

10.3. Сугурта килдирувчи, Сугурталовчи томонидан қопланган зарар учун жавобгар шахсга нисбатан ўзининг талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечса ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш Сугурта килдирувчининг айби билан мумкин бўлмаган бўлса, Сугурталовчи Сугурта товонини тўлиқ ёки унинг тегишли қисмини тўлашдан озод қилинади ва ортиқча тўланган Сугурта товонини қайтарилиши талаб қилишга ҳақли бўлади.

XI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

11.1. Томонлар сугурта Шартномаси бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармаслик ёки тегишли равишда бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгар бўладилар.

11.2. Агар томонлар сугурта Шартномаси бўйича мажбуриятларини енгиб бўлмас ҳолатлар оқибатида (форс-мажор) бажаришмаса, томонлар жавобгарликдан озод этиладилар. Енгиб бўлмас ҳолатлар таъсири остида қолган томон иккинчи томонни айтиб ўтилган ҳолатлар рўй берганлиги ва уларнинг тахминий давомийлиги тўғрисида дарҳол ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

11.3. Агар сугурта Шартномаси тузилганидан сўнг, Сугурта қилдирувчи Сугурталовчига сугурта ходисаси рўй бериши эҳтимolini аниқлаш учун аҳамиятли ҳолатлар тўғрисида била туриб, ёлгон маълумотлар берганлиги аниқланса, Сугурталовчи сугурта Шартномасининг ҳақиқий эмас деб тан олиншини ва Сугурта қилдирувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан назарда тутилган оқибатларни қўллашни талаб этишга ҳақли.

XII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ

12.1. Мазкур Шартномадан чиқиши мумкин бўлган барча низо ва келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал этилади.

12.2. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи – юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Иқтисодий судида кўриб якуний ҳал қилинади.

12.3. Келишувга эришиш имконияти бўлмаганда, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчи ёки Наф олувчи – жисмоний шахс ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар жавобгар жойлашган манзил бўйича фуқоралик судида ҳал этилади.

12.4. Мазкур сугурта Шартномаси бир хил юридик кучга эга икки нусxada тузилган ва имзолаган бўлиб, ҳар бир тарафда биттадан нусха сақланади.

12.5. Мазкур сугурта Шартномасида акс эътирилмаган бошқа шартлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

XIII. БОШҚА ШАРТЛАР

13.1. Мазкур Шартнома бўйича томонлар Шартноманинг иловаларини ва унга тегишли ҳужжатларни учинчи тарафга томонларнинг ёзма розилигисиз бермайди ва ушбу Шартномага тегишли бўлган барча маълумотларни сир сақлайдилар.

13.2. Мазкур Шартнома икки нусxada тузилган бўлиб, Сугурталовчи ва Сугурта қилдирувчида битта нусхадан сақланади ва уларнинг ҳар бири бир хил ҳуқуқий кучга эга.

XIV. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

“Сугурталовчи”

“Сугурта қилдирувчи”

«IMKON-SUG'URTA» АЖ

Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси
117 уй

тел:

20208 000 305 062 314 001

“Ипотекабанк” АТИБ Бош Амалиёт бошқармаси

Банк коди 00937 СТИР 306317501

ХХТУТ

"SURXON "

Хусусий корхонаси

Адрес: Кумқургон тумани Мехробод мах

Хр : 2020 8000 2040 8226 9001

АТБ «КИШЛОККУРИЛИШБАНК» Кумқургон фил.

МФО 01037 ИНН: 203 405 911

ОКЭД : 41202

Тел : 91 514 00 14

Сугурталовчи номидан

“IMKON-SUG'URTA” АЖ Сурхондарё вилояти
филиали директори :

_____ А.Х.Тўрақулов
(имзо) М.Ў.

Раҳбар

_____ (имзо)

Т.Норбоев

(ф.и.ш.) М.Ў.



СУҒУРТА ШАРТНОМАСИНИНГ ДЕКЛАРАЦИЯСИ

1.	Қурилиш объектининг номи	Бандихон тумани Пахтакор МФЙ ҳудудидаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида да ичимлик суви тармогини қуриш ишларини		
2.	Объектнинг манзили:	Сурхондарё вилояти. Бандихон тумани		
3.	Қурилиш объектининг баҳоси	295 097 972,00 сўм	80 фоизи	236 078 377,00 сўм
4	Моддий зарар			
4.1.	Сугурта пули	236 078 377,00 (Икки юз уттиз олти миллион етмиш саккиз минг уч юз етмиш етти) сўм		
4.2.	Шартсиз франшиза			
4.3.	Тариф			
4.4.	Сугурта мукофоти	755 000,00 (Етти юз эллик беш минг) сўм		
5	Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги			
5.1	Учинчи шахслар олдидаги фуқаролик жавобгарлиги бўйича сугурта пули, шу жумладан:	500 000,00 (Беш юз минг) сўм		
	<i>Тан жароҳати учун</i>	5.1 бандда кўрсатилган сугурта пулининг 60% миқдорида		
	<i>Моддий зарар:</i>	5.1 бандда кўрсатилган сугурта пулининг 40% миқдорида		
5.2.	Шартсиз франшиза			
5.3.	Тариф			
5.3.	Сугурта мукофоти	_____ (сўз билан)		
6	Умумий сугурта пули	236 078 377,00 (Икки юз уттиз олти миллион етмиш саккиз минг уч юз етмиш етти) сўм		
7	Умумий сугурта мукофоти	755 000,00 (Етти юз эллик беш минг) сўм		

ТОМОНЛАР ИМЗОСИ:

СУҒУРТАЛОВЧИ

номидан

ФИЛИАЛ ДИРЕКТОРИ



А.Х. ГҒАРАИЛОВ

М.У.

СУҒУРТА ҚИЛДИРУВЧИ

номидан

ТАШКИЛОТ РАХБАРИ



Т.Норбоев